

Ёриқлар ўрни тўлармикин ёки илм аҳли орасидаги улкан йўқотишларимиз



15:05 / 28.09.2020 2249

Бугуннинг гапи

Сон-саноқсиз неъматлар ичида инсониятнинг бошқа махлуқотлардан ажралиб, юқори мартабаларда туришига сабаб бўладиган неъматлардан бири, шубҳасиз, унинг илм соҳиби бўлишидир. Чунки илм рафбат қилинган нарсаларнинг энг шарафлиси, орзу этилишидан ташқари, қўлга киритилиши учун жидду жаҳд қилишга ундалган нарсаларнинг энг устуни ва эришилган нарсаларнинг энг фойдаси кўпроғидир.

2020 йил улкан йўқотишлар йили бўлмоқда. кеча забардаст олим, кўплаб уламолар устози Довудхон домла, Куръон ҳофизи, ўн хил қироат соҳиби, устоз Зайниддин қори, аввалроқ имом Хайруллоҳ домла, мураббий, устоз

Олимхон домла, Алихон қори Зоҳидхон, бир неча имом домлалар, ёшгина қори йигитлар, дунё миқёсида таниқли аллома, шайх, муҳаддис Нуриддин Итр раҳимаҳуллоҳ ва яна кўплаб олимлар, уламолар бирин-кетин бу ёруғ оламни тарк этиб, охират сари кетмоқдалар. Мубашшир домла айтганидек, «Кейинги кунларда кўп олимлардан айрилиб қоляпмиз. Бу жуда кўрқинчли».

Ижтимоий тармоқларда кунда-кунора таъзия эълонларини кўравериб, тўғриси интернетни очишдан чўчиб қолди киши. Яхши инсонлар, солиҳ кишилар, устозлар тарк этишяпти бизни. Ёши улуғлари ҳам, эндигина 40 ёшни нари берисидаги ёшга кирганлари ҳам бор. Аллоҳнинг тақдири, қазоси. Унинг қазои қадарини розилик ила қарши олган барча яқинларига Аллоҳ таолодан гўзал сабр тилаймиз.

Шу ўринда ушбу ҳадис ёдга келади.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, Аллоҳ илмни одамлардан бир суғириш ила суғириб олмайди. Лекин илмни уламоларнинг (жонини) қабз қилиш ила чангаллаб олади...».**

Икки Шайх ва Термизий ривоят қилишган.

Ўзини билган ҳар бир миллат ўзидан етишиб чиққан уламоларни эъзозлай олади. Ҳақиқий олимларидан дину-диёнат, иймон-эътиқод, элу юрт фойдаси учун фойдалана олади. Чунки, бундай одамларнинг борлиги ҳар бир халқ, ҳар бир миллат учун катта бахтдир. Улар оламдан ўтишлари билан бу бахт ҳам кетади.

«Мавтул олими - мавтул олами» (яъни, олимнинг ўлими-оламнинг ўлими) дейилган. Шу билан бирга ўзини билган ҳар бир миллат доимо ўз эҳтиёжларини қондирадиган даражада, сифатда ва сонда уламоларни бўлиши учун қўлидан келган ҳар бир ишни қилади.

Илмнинг кўтарилиши, уламоларни вафотлари борасида Шайх Муҳаммад Аввома ҳафизаҳуллоҳ шундай дейдилар: «Олим кишининг ўлими Ислом деворидаги бир ёриқдир. Тун-у кун ўзгарар экан, унинг ўрнини бирор нарса беркита олмайди». (Ҳасан Басрий).

Мусулмонлар ҳар куни Ислом деворида янги ёриқ пайдо бўлаётганини гувоҳи бўлишмоқда. Ораларидаги илмига амал қиладиган уламолар билан

видолашмоқдалар. Бугун мусулмонларнинг зиммасида бу бўшлиқни тўлдириш учун Ислохий илмларга юзланишлари ва доимо бу борада солиҳ уламоларнинг ўрнини тўлдира оладиган авлодни етиштиришни фикр қилмоқликлари лозимдир! Зеро, мусулмонларнинг солиҳлар ўрнини тўлдира оладиган авлодни етиштиришни кечиктиришлари олимни йўқотишдаги мусибатлариданда кўра оғир мусибатдир!

«Атрофимиздаги яқинларимиз ўтавериб биз ҳам охират кишиларига айланиб қолдик. Аллоҳ ҳаммамизни ҳидоятда муқим қилсин! Охир амалларимиз солиҳ ва сўзларимиз рост бўлсин!» *(Мубашшир Аҳмад)*.

«Сабрлиларга хушхабар берингки, улар ўзларига мусибат етганда «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз», деганлардир».

Бобур Аҳмад тайёрлади